

УФ



# ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi\_asr@mail.uz

2019-YIL 8-AVGUST, PAYSHANBA, 31 (821)-SON

web sayt: www.21asr.uz

## Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича долзарб вазифалар

**Тошкентда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимиздаги вакиллари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, экспортёрлар қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодийнинг барча тармақларини, жумладан, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Албатта, бу каби соҳаларда салмоқли ютуқларга эришилди. Ўз навбатида, камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, мамлакатда йилгига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агрологистика тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда. Етиштирилган маҳсулотларини халқаро стандартларга мос лаборатория текширувидан ўтказишда ҳам муаммолар кўзга ташланади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шу каби муаммоларга тезкор ечим топиш, соҳага янги механизмларни жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 174 ва озиқ-овқат соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 24 йрик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мавжуд самарасиз боғлар ўрнида 36 минг гектар интенсив боғлар ташкил этилади.

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш, қарор мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлар ва фермерларга янада кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилган семинарда соҳага

доир янгиликлар, мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли дастурларда белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали татбиқ этиш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортини кўпайтириш борасида муҳим масалаларни ҳал қилишга киришилган. Жумладан, жаҳон бозоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда экспорт-боп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жойлардаги ҳолат таҳлил қилинганда, бугунги кунда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 тумандаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Шу боис, боғдорчилик ва узумчиликдаги аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил қилинди. Бу тизимдаги лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш учун ҳар икки агентликда махсус жамғарма ташкил қилинди. Бу эса тадбиркорлар ва фермерлар учун янги имкониятлар яратди.

Интенсив боғдорчиликда биринчи маротаба бир қатор имтиёزلар жорий қилинди. Жумладан, интенсив боғларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 1 гектарга қилинган харажатнинг 6 миллион сўми давлат бюджетидан қопланади. Шунингдек, умумий майдони 35 гектардан кўп бўлган интенсив боғларга сув чиқариш мақсадидаги 120 миллион сўмгача бўлган харажатлар учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

Бугунги кунда кўп тадбиркорларимизни тижорат кредити олишда кафилик масаласи қийнаб келаётгани сир эмас. Эндиликда интенсив боғ барпо этиш учун олинган кредитнинг 50 фоизигача бўлган қисми Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафилик асосида берилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, замонавий логистика марказлари, иссиқхоналар ва музлаткичли омборхоналар қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирда бу борадаги аҳвол мутлақо қониқарсиз. Бугунги кунда юртимизда атиги 31 агрологистика маркази фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган 760 минг тонна сизимга эга 1500 та музлаткичли омборхона мавжуд. Улар жами етиштирилган мева-сабзавотларнинг 4,5-5 фоизини қамраб олади, холос.

2019-2021 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 3 миллион тонна сизимга эга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сизими 360 минг тонна бўлган жами 37 замонавий агрологистика марказлари ташкил этилади.

"Ўзстандарт" агентлигининг республика ҳамда Наманган ва Самарқанд ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳузуридаги синов лабораторияларини тўлиқ модернизация қилиш ва янги ускуналар билан таъминлаш, озиқ-овқат соҳасида 726 халқаро стандартларни жорий қилиш каби чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажминини қарийб 2-2,5 баробар ошириш, агрологистика марказларини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қувватини 3,8 миллион тоннага етказиш, қўшимча 118 минг тонна импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режалаштирилган.

Семинарда қишлоқ хўжалигини, инвестиция ва ташқи савдони ривожлантириш, агросаноат тизимидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан вазирлар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари, халқаро молия муассасаларининг мамлакатимиздаги вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи С. Зоря, Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги раҳбари С. Мальвичини мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, экспорт қўламини ошириш бўйича таклифлари билан ўртоқлашди.

Вилоятлардан келган тадбиркорлар ўзларини қийнаётган, ечимини қутаётган муаммоларни ҳам очик-ойдин ўртага ташлади. Хусусан, Фарғона вилоятидаги "Paradise Garden Fruit" МЧЖ раҳбари Адҳамжон Абдурахмонов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдаги ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапириб, бу тизимдаги ҳақиқий ҳолатни яхшилаш, соддалаштириш ҳақида таклифларини билдирди. Шунингдек, транспорт логистикаси бўйича креатив ғоялари билан ўртоқлашди.

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси Камол Абдуллаев эса барча боғларни томчилатиб сугориш тизимига ўтказиш, бу борада боғбон ва фермерларга қўмақлаштириш кераклиги ҳақида долзарб муаммони ўртага ташлади. Унинг фикрича, томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш учун зарур технологияларни ўзимизда ҳам ишлаб чиқарса бўлади. Бу эса тизимни жорий этишда маблағ тежалишига хизмат қилади, албатта.

Иштирокчилар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги илғор ишлаб чиқарувчи қорхоналар фаолияти билан танишди.

– Вилоятимиздаги томорқа хўжаликлари, фермерлардан турли мева-сабзавотларни улгуржи нархда харид қилиб, хорижга экспорт қиламиз, – деди Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Нодирбек Сафаров. – Бир йилда 3,5 миллион долларлик миқдорда савдо айланмаимиз мавжуд. Бугун пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган мевани қайта ишловчи "Интерсок" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишдик. Қорхонада салқин ичимликлар, 16 турдаги шарбатлар ишлаб чиқарилаётган экан. Мазкур қорхонада маҳсулотлар 100 фоиз маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилиши эътиборлидир. Биз ҳам ўз хизматларимизни уларга таклиф қилдик.

Семинар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Улугбек АСРОПОВ,  
Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбирлари

О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида



## Қонунларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

■ **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеП фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, маҳаллий кенгашлар депутатларининг мулкдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашдаги иштирокини кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.**

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" Давлат дастурлари доирасида халқ манфаати йўлида қилинаётган ишлар эътироф ва эътиборга сазовор, албатта. Лекин баъзи жойларда тадбиркорлар томонидан қурилган иншоотларнинг амалдаги тартибларга риоя қилинмаган ҳолда бузилаётгани, уйи "снос"га тушиб, кўчада яшаётган оилаларга ваъда қилинган товон пулларининг ўз вақтида берилмаётгани одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлапти.

### УШБУ СОНДА:

2 **Кўчмас мулк бозори қачон тартибга солинади?**

3 **Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда уй-жой бозорларидаги битимларнинг қарийб 70 фоизи "қора маклер"лар аралашуви билан тузиляпти. Улар давлатга солиқ тўламайди, ҳеч қандай расмий ҳужжатга ҳам эга эмас.**

3 **Финалда ғолиб бўлиш осон кечмайди**



6 **Катта тўйга катта тўёнамиз бор**



6 **Тестдаги талончилар**

6 **Кўча аравасида неки маҳсулот бўлса ҳаммасини икки барабар қимматга пуллайди. Ишонмайсиз, бир литрлик оддий газланмаган сув уч минг сўм! Бошқасини қўяверинг. Ноилож вақтни ўлдириш учун сотиб олишга мажбурсиз. Отнинг ўлими, итнинг байрами бўлди ўзим. Бир маҳал...**











# Олтинтепада тиббиёт бирлашмаси, Оқтошда эса мактаб

Реклама ҳуқуқида

**Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси билан жорий йилда вилоятнинг барча ҳудудларида 500 дан ошиқ бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.**



Ушбу лойиҳалар сифати ва жараён мутаносиблиги эса компаниянинг 20 нафардан зиёд қурилиш лойиҳаларини техник назорат қилувчи ходимлари зиммасига юклатилган. Энди, бевосита аниқ мисолларга юзланамиз.

Тошкент тумани Олтинтепа маҳалласи аҳли учун 150 қатновли 21-қишлоқ оилавий поликлиникаси инвестицион дастурга асосан қайта қурилиб реконструкция қилиняпти. Бу ерда тез ёрдам, болалар ва катталар учун даволаш бўлими ҳамда бошқа муолажа хоналари ташкил этилади. Маълумот ўрнида, мазкур икки қаватли бино "SALAR EKOPRODUKT" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида 35

йилдан бери фаолият кўрсатаётган тиббиёт бирлашмаси биноси мукамал таъмирга муҳтож эди. Шундан келиб чиқиб, "Тез қурилиш" хусусий корхонаси жамоаси 78 беморга хизмат кўрсатувчи тўрт қаватли бино, сил касалликлари диспансери ва бошқа бўлимлар инвестиция лойиҳасига мувофиқ реконструкция қилиш учун жалб этилди. Айна вақтда тиббиёт бирлашмасида қурилиш-монтаж ишлари поёнига етиб, пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бундан ташқари, Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳам реконструкция қилиняпти. Ушбу 2 миллион 484 миллион сўмлик лойиҳа Бахтиёр Сотволдиев бошчилигидаги "Анд-тех-наз" хусусий корхонаси қурувчилари зиммасида.

Айни корхона тумандаги 420 ўринли 15-умумтаълим мактабини ҳам таъмирдан чиқараётгани алоҳида эътиборга молик.

Дарвоқе, Тошкент тумани Оқтош маҳалласидаги 1 050 ўринли 30-умумтаълим мактаби асосий биноси таъмирталаб даражага келиб қолганди. Давлат дастурига кўра, объект реконструкциясига 1 миллиард 450 миллион сўм ажратилди. Ҳозирда моҳир қурувчи Камолхўжа Абдуллаев етакчилигидаги "METRO JIL STROY" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қурилиш-монтаж ишларини бошлаб юборган. Қурувчиларнинг айтишича, бино янги ўқув йили бошлангунча шай ҳолатга келтирилади.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, "XXI asr" муҳбири



Хизматлар лицензияланган.



**Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича" инжиниринг компанияси Андижон вилояти филиали буюртмасига мувофиқ бир қанча таълим муассасалари бунёд қилиняпти, мавжудлари мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилмоқда.**



## Шашти баланд қурувчилар

Чуноччи, Жалақудуқ туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси биносини "Оятбек" хусусий корхонаси бинокорлари қисқа фурсат, юқори сифатда реконструкция қилиб беришди. Шаҳрихон тумани ҳудудида жойлашган 125 ўринли 8-МТМ ва Бўз туманидаги 10-МТМ биналари ҳам худди шундай таъмирдан чиқарилди. Ушбу объектларнинг янгитдан чирой очишида "Янги замон қурувчиси" ҳамда "Бехрузбек Дилмуродов" хусусий корхоналари азамат бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси саъй-ҳаракати билан қурилиш соҳасида инвестицион лойиҳалар буй кўрсатяпти. Жумладан, Шаҳрихон туманидаги "Туғруқ комплекси" биноси замонавий услубда, лойиҳада кўрсатилган муддатдан олдин битказилди. Шу тумандаги 40-умумтаълим мактаби биносини эса Фазлиддин Қодиров бошчилигидаги "Фазлиддин Фаввораси" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари реконструкция

қилляпти. Бу ерда асосий бино мукамал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча ўқув биноси ҳам қурилди. Айна кунларда пардозлаш ишлари яқунланиб, ободонлаштириш жадал кетяпти. Тумор маҳалласи ҳудудида жойлашган 45-умумтаълим мактаби биносини таъмирлаш тендер қиймати 5 миллиард 840 миллион сўмга баҳоланган. Лойиҳа Аъзам Маҳкамов раҳбарлигидаги "Тошсарфар гишт" хусусий корхонаси жамоаси томонидан адо этилди.

Хуллас, бу каби қувонarli мисоллар талайгина: Бўз тумани Гулистон маҳалласида 20-қишлоқ оилавий поликлиникаси реконструкция қилинди. Ўртабўз маҳалласи ҳудудида қад кўтарган 784 ўринли 14-умумтаълим мактаби эса 4 миллиард 475 миллион сўм эвазига мукамал таъмирдан чиқди. Ушбу иншоотларда "Шаҳрихон қурилиш грант" ва "Бегимой биналари" масъулияти чекланган жамияти жамоалари жонбозлик кўрсатишди.

Ю. ОЧИЛДИЕВ, "XXI asr" муҳбири

Хизматлар лицензияланган.

## "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

ЭЪЛОН

Аукцион савдосига "Ангор келажги савдо комплекси" МЧЖнинг 01.08.2019 йилдаги 47-сонли буюртманомасига асосан, Ангор тумани "Янги турмуш" маҳалласида жойлашган "Ангор келажги савдо комплекси" МЧЖ ҳудудидан сатҳи 31,4 кв.м дан бўлган, газлама моллари сотиш учун мўлжалланган 1-1А-павильонидан 2-4-5-6-сонли 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. Ҳар бир дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси – 59 409 900 сўмдан.

Аукцион савдоси 2019 йил 9 сентябр кунини Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 42-А-уй соат 11.00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион яқунлари савдо тугаган захоти иштирокчиларга эълон қилинади. Ушбу дўконларни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи 2019 йил 9 сентябр кунини ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 25 сентябрь, 14, 30 октябрь, 14, 29 ноябрь, 16, 31 декабр кунлари соат 11:00 да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилишини олдин-

дан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш кунини олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби савдо кунидан бошлаб 5 (беш) иш кунини ичидан "Сотувчи" билан олди-сотди шартномасини имзолаши, шартнома имзолангандан сўнг 30 кунлик муддат ичидан пул тўловларини "Ангор келажги савдо комплекси" МЧЖнинг АТБ Микрокредитбанк Ангор филиали МФО: 00344, ИНН: 204738623, 20210000104293850001 ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш шартлари юклатилади. Ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш маблағлари мазкур дўконлар қурилиши учун сарфланади ва ушбу пул тўловлари ижара ҳақи тўловлари учун ҳисобланмайди. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари "Сотувчи" томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади. Ушбу дўконлар 9 (тўққиз) ой ичида қуриб топширилади. Ижара тўловлари дўконлар қуриб ижарага олувчи топширилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ғолиб деб топилган харидор билан дўконни ижарага олиш шартномаси 49 йилга тузилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатат келишуви, закатат пули тўланган-

лик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахсларнинг паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома ва аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пулини тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ва ризлаторлик ахборот-маслаҳат хизматлари учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридан маблағни кўрсатилган муддатга қадар "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО 01063, СТИР 207122519.

**Манзил:**  
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 42-А-уй, **телефон:** (076) 223-15-82. **Расмий сайтими:** www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

## Болажонлар яйрасин!

**Президентимиз томонидан ўтган йил 19 декабрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ижроси юзасидан Наманган вилоятида бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Учқўрғон тумани Янгиер маҳалласидаги 30-умумтаълим мактаби биноси янги ўқув йили бошланиши олдидан мукамал таъмирдан чиқариляпти. Мазкур 620 ўринли таълим муассасасида пудратчи Азизбек Юсупов бошчилигидаги "Уйчи давр қурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг 40 нафар қурувчиси меҳнат қилмоқда. Тумандаги Яшиқ маҳалласи ҳудудида жойлашган 12-умумтаълим мактаби биноси ҳам инвестицион дастур асосида реконструкция қилиняпти. Бу ерда Нодир Қодиров бошлиқ "Уста Нўъмон" хусусий корхонаси бинокорлари синфхоналар, спорт зали, ошхонани таъмирлашди. Бино фасад қисми ҳам бундан мустасно эмас. Эътиборлиси, иситиш тизими тўлиқ янгиланди. Косонсой тумани мактабгача таълим касб-хунар коллежининг спорт мажмуаси эса "Озод" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Мактабгача таълим вазирлиги ҳузу-



ридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича" инжиниринг компанияси вилоят филиали буюртмачилигида ҳам салмоқли ишлар қилиняпти. Жумладан, Наманган тумани Ўлмас маҳалласи болажонлари учун кенг, ёруғ, шинам хоналар ва мўъжаз ўйингоҳдан иборат 17-мактабгача таълим муассасаси биноси битказиб берилди. Қурилиш ишларини март ойида бошлаган "Мирхолдоршо ота" хусусий корхонаси жамоаси 125 ўринли муассасани 3,08 миллиард сўм эвазига қуриб берди. Тумандаги Шўркўрғон маҳалласи ҳудудида жойлашган 11-МТМ биноси эса қайтадан қурилди. Ушбу 5,737 миллиард сўмлик лойиҳа "Универсал қурилиш сервис" хусусий корхонаси жамоаси томонидан адо этилди.

Ю. ЮСУПОВ, "XXI asr" муҳбири



Хизматлар лицензияланган.

# Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги

Барча қурилиш соҳаси ишчи-ходимлари, меъмор ва муҳандисларни ҳамда муҳтарам фахрийларимизни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш соҳаси ходимлари кўни билан самимий табриклайди. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада раванқ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бунёдкорларимиз бугун камта эътироф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда. Ўратувчанлик фариштининг юртимизнинг гўллаб-яшнаши, ҳаётимиз янада обод, гўзал ва тароватли бўлишига қаратилгани, бино ва иншоотлар қурилиши инновацион технологиялар ва замонавий сифат стандартларига мувофиқ амалга ошириладигани таҳсинга дойиқ. Қурилиш соҳаси мутахассислари эришадиган бугунги ютуқлар беvosита устозлар ўғити ва асрлар давомида шаклланди анъаналаримиз маҳсулидир. Ўнги, Ҳозирбадор дойиҳаларга асосланган истиқболли қурилиш объеклари барпо этиш йўлида асло чарчаманг! Ўшларингизга омад ва зафарлар тилаймиз.

Ўилангиз мустақкам,  
қубончингиз бардавом бўлсин!



**Байрамингиз муборак, азиз дўстлар!**

Самарканд вилоятида фаолият кўрсатаётган

## “TESPAK”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Юрtdошларимизни яқинлаштиб келаётган  
цўзе айём, халқимизга хос меҳр-оқибат,  
шўқроналик ва бағрикенглик раизи саналмиш*

*— Қўрбон ҳайити билан чин қалбдан,  
самимий муборакбод этиади.*

*Қўтўзе байрамларнинг файзу баракооти  
қалбларимиз ва хонадонларимизни  
минавар ва хўшнўд айласин.*



## “AUTO AUCTION CENTRE”

масъулияти чекланган жамияти

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ДСЭНМ балансидаги қўйидаги авто-транспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1) 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 996 NAA бўлган “ГАЗ-52”, бошланғич баҳоси – 1 779 000 (бир миллион етти юз етти миш тўққиз миш) сўм;
- 2) 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 773 GAA бўлган “УАЗ 315201”, бошланғич баҳоси – 1 534 000 (бир миллион беш юз ўлтмиш тўрт миш) сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 6 сентябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш охири муддати 2019 йил 5 сентябрь кўни соат 12:00 да тўхтатилади. Юқоридаги авто-транспорт воситалари 2019 йил 6 сентябрь кўни сотилмаган тақдирда савдо 2019 йил 20 сентябрь кўнлари соат 15:00 да такроран бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охири муддати 2019 йил 19 сентябрь кўни соат 12:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби, деб топилган шахсга 10 банк кўни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нўسخаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини “AUTO AUCTION CENTRE” масъулияти чекланган жамиятининг АИТБ “Irak yo'li bank” Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300950272001, МФО: 01101, СТИР: 305901464.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри Миробод тумани  
Авлиё ота кўчаси 13-уй.

Мурожаат учун телефон:  
(78) 150-58-56.

Гувоҳнома № 656179.

ЭЪЛОН

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

► Сирдарёнинг ёши...  
бир асрми ёки ўн аср?!

► Миллионларга сотилган  
лойиҳа ёхуд бошланмасдан  
тугаган кинофильм

\*\*\*

ДАРВОҚЕ:

Блогерликнинг журналистикдан  
фарқи – у касб эмас!

Владимир Познер

ЭЪЛОН

Нурота туман 27-сон умумий ўрта таълим мактаби томонидан Қулмонова Дилафрўз Махмудовнага 1992 йил (27-сонли рўйхат рақами асосида) берилган 299153-сонли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



MUASSIS:  
TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI –  
O'ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI

**XASKI**  
ЎТЎМИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА  
НАФТАЛИК НАШР

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯҚУБОВ  
Алишер СУЛТОНОВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА  
Сирожиддин САЙИДИ

Алдам ШОДМОНОВ  
Тулкин ЭШНАЗАРОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ  
Аслиддин АЛМАРДОНОВ  
(Бош муҳаррир уривбохари)

Таҳрират манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.

электрон почта:  
xxi\_ast@mail.uz

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80  
(тел./факс).

Котибият – 71 281-40-17  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasida Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда  
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми – 4 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 858 Тираж: 8266

Баҳоси келишилган нарҳда.  
ЎЗА яқуни – 21:55  
Топширилди – 23:45

Таҳриратта келган кўлэмалар тақрир  
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нўқтаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида  
терили ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406  
12 456

Навбатчи муҳаррирлар:  
Фаррух ЖАББОРОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.